TOSHKENT SHAHAR YUNUSOBOD TUMAN HOKIMI
Q A R O R I

2021 - yil 28 - dekabr 285-14-206-Q/21 Yunusobod tuman hokimligi

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 694-F сонли фармойиши ижроси тўғрисида”ги 478-14-0-Q/21-сонли қарори ижроси тўғрисида

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 694-F сонли фармойиши ижроси тўғрисида”ги 478-14-0-Q/21-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 694-F сонли фармойиши ижроси тўғрисида”ги 478-14-0-Q/21-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойишига мувофиқ:

2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари;

2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида экиш учун кўчат ва қаламчалар етказиб беришнинг прогноз кўрсаткичлари;

Манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларини шартнома асосида етказиб бериш ҳамда экиш ишларини мувофиқлаштирувчи республика ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини шартнома асосида етказиб бериш ҳамда экиш ишларини мувофиқлаштирувчи туман ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2021 йил куз ва уч ой муддатда - 2022 йил баҳор фаслида кўчат экиш ҳажмлари бўйича манзилли дастури Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 18 ноябрдаги 478-14-0-Q/21-сонли қарорининг 3-иловасига мувофиқ тастиқланганлиги инобатга олинсин.

5. Туман ишчи гуруҳи:

туманда кўчатларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш, тўловларни олдиндан амалга ошириш, кўчат етказиб бериш ва экиш бўйича кунлик мониторинг юритиш;

кўчат экиш ва уларни тўлик ундириб олиш учун суғориш ишларини ташкил этиш бўйича юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал этиш;

ҳар хафтанинг жума куни ҳудудларда кўчат экиш бўйича таҳлилий маълумотларни Тошкент шаҳар ишчи гуруҳига киритиш;

экилган кўчатларни парваришлаш, уларни пайхон қилишдан сақлаш юзасидан мониторинг олиб бориш;

ҳар ҳафтада туман ишчи гуруҳи томонидан таҳлилий маълумотларни тегишли равишда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этилиши таъминлансин.

6. Туман ишчи гуруҳи раҳбари (М.Соатов), Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Юнусобод тумани инспексияси бошлиғи (Д.Саидов), туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи (Р.Турсунов):

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойишида назарда тутилган кўчатларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш, туловларни амалга ошириш, кўчат етказиб бериш, экиш бўйича туман миқёсида кунлик мониторинг юритиш ҳамда жойларда экилган кўчатларнинг ҳолати тўғрисида ҳар ҳафтанинг жума кунлари Тошкент шаҳар ишчи гуруҳига таҳлилий-танқидий ахборот тақдим этиб борилсин;

экилган дарахт кўчатларини мавсум давомида парваришлаш, уларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва пайхон этилишининг олдини олиш устидан таъсирчан назорат ўрнатилсин.

7. Туман ишчи гуруҳи раҳбари (М.Соатов), туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи (Р.Турсунов):

хўжалик бирлашмалари ва аҳоли учун кўчатларни тизимли етказиб бериш мақсадида бозорлар ва бошқа қулай кўчат сотиш нуқталари ташкил этилсин;

туман марказида архитектура ва ландшафт-дизайн талаблари асосида шаҳарга кўрк берувчи манзарали кўчатларни экиш чоралари кўрилсин;

маҳалла, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли бинолар ва уй-жойлар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, автомобиль ва темир йўллари атрофи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларида (иҳота) ҳамда ўрмон фонди ерларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилсин;

туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонларида, қишлоқ хўжалиги экинлари экилган ер майдонларининг четларида, канал бўйи минтақаси муҳофаза зоналарида павлония, тут, чинор ва бошқа тез усувчи дарахтлар кучатларининг экилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

кўчат экилган объектларга масъулларни бириктириш, улар томонидан кўчатларни мавсум давомида парваришлаш, уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ҳамда пайхон этилишининг олдини олиш, шунингдек, мавсум якунида кўчат экилган ҳудудларни ер эгаларига топшириш, яъни кўчат экилганлиги тўғрисида баённома расмийлаштириш орқали тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш чоралари кўрилсин.

8. Туман ҳокимининг барча ўринбосарлари, Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Юнусобод тумани инспексияси бошлиғи (Д.Саидов), туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи (Р.Турсунов), бошқарма, корхона ва ташкилот раҳбарлари:

2021 йил куз ва уч ой муддатда - 2022 йил баҳор фаслида кўчат экиш ҳажмлари бўйича манзилли дастур доирасида бажарилган ишлар бўйича кунлик маълумотларни Тошкент шаҳар ишчи гуруҳига киритиб борилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари М.Соатов зиммасига юклатилсин.

Юнусобод тумани ҳокимининг

2021 йил ___ - декабрдаги

_____-сонли қарорига

илова

Манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини шартнома асосида етказиб бериш ҳамда экиш ишларини мувофиқлаштирувчи туман ишчи гуруҳи

ТАРКИБИ

1.	М.Соатов	- Туман хокимининг уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари
2.	Р.Турсунов	- Туман Ободонлаштириш бошкармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари

3.	Д.Саидов	- Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Юнусобод тумани инспексияси бошлиғи, ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
4.	Лавозимига кура	- Туман Курилиш бўлими бошлиғи
5.	Лавозимига кура	- Туман Ирригация хўжалигини ва кўкаламзорлаштириш объектларини таъмирлашга ихтисослаштирилган бўлими бошлиғи
6.	Лавозимига кура	- Тошкент шаҳар Транспорт бошқармасининг Юнусобод туманига бириктирилган масъул ходими
7.	Д.Султонов	- туман Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
8.	Лавозимига кура	- туман Ёшлар ишлари агентлиги бўлимининг бошлиғи
9.	Лавозимига кура	- туман Касаба уюшмалари кенгаши раиси

Юнусобод туман ҳокими **Ж.Ибрахимов**